

УЎК (УДК, UDC): 811.512.133: 821.512.133
DOI: 10.36078/1575454885

АЛИШЕР НАВОИЙ АСАРЛАРИ ТИЛИДАГИ ТАОМ НОМЛАРИ



Тўлқин Маманазарович ТОҒАЕВ
Филология фанлари номзоди
Ўзбек тилшунослиги кафедраси мудир
Алишер Навоий номидаги
Тошкент давлат ўзбек тили
ва адабиёти университети
tm-togay@mail.ru

Аннотация

Алишер Навоий яратган улкан бадий мерос миллий тилимиз лексикасининг асоси сифатида ҳам қимматлидир. Ушбу мақолада Навоий асарларида қўлланган таом номлари лингвистик, хусусан, тарихий-этимологик, генеалогик, лексик-семантик жиҳатдан тадқиқ қилинган. Унда ўзбек тили тарихи бўйича муҳим натижалар қайд этилган. Навоий асарларидаги таом номларининг туркий қатламга тегишлилари аниқланган. Ўз қатламга оид лексиканинг ички имкониятлар ёрдамида ривожланиш омиллари, шунингдек, таом номларининг ясалиш йўллари кўрсатилган. Ўзбек тили луғат таркибининг бойишида ташқи манба ҳисобланган, ушбу тилга форс, араб ва бошқа тиллардан ўзлашган озиқ-овқат номлари тўғрисида баҳс юритилган. Мақолада таом номлари мавзувий гуруҳларга ажратиб тадқиқ этилган. Шунингдек, ўрни билан туркий тиллар таом номларининг тарихий ва ҳозирги замондаги ҳолатлари қиёсланган.

Калит сўзлар: Алишер Навоий асарлар; туркий, арабий, форсий сўзлар; таом номлари.

НАЗВАНИЯ БЛЮД В ПРОИЗВЕДЕНИЯХ АЛИШЕРА НАВОИ

Тулқин Маманазарович ТАҒАЕВ
Кандидат филологических наук
Заведующий кафедрой узбекского языкознания
Ташкентский государственный университет
узбекского языка и литературы имени Алишера Навои
Ташкент, Узбекистан
tm-togay@mail.ru

Аннотация

Великое наследие, созданное Алишером Навои, является основой нашего национального языка. В данной статье анализируются названия блюд с лингвистической, а именно историко-этимологической, генеалогической, лексико-семантической точек

зрения, излагаются важные результаты по истории языка. Определены названия блюд тюркского происхождения, использованные в произведениях Навои. Показаны способы образования названия блюд, а также факторы развития лексики за счет внутренних возможностей языка. Обсуждаются названия блюд, которые усвоены из других языков, таких как фарси, арабский и т.д. В статье названия блюд классифицируются в тематические группы. Названия блюд тюркских языков сопоставляются с историческими и современными эквивалентами.

Ключевые слова: названия блюд; произведения Алишера Навои; тюркизмы; арабизмы; персизмы.

NAMES OF DISHES IN ALISHER NAVOI'S WORKS

Tulqin Mamanazarovich TOGAYEV

Candidate of Philological Sciences

Head of the Department of Uzbek Linguistics

Tashkent State University of the Uzbek Language and

Literature named after Alisher Navoi

Tashkent, Uzbekistan

tm-togay@mail.ru

Abstract

The spiritual heritage that written by Alisher Navoi is valuable as base of Uzbek national language for many centuries.

In this article, the food names in the Alisher Navoi's work are analyzed through the linguistics, especially dish names are learned through historical-etymological, genealogical, lexical-semantic aspects and, also is noted the important informations related to Uzbek language history. The food names in the Alisher Navoi's work are determined to the Turkic language. The factors for the development of self-referenced vocabulary, as well as, the inflection methods of dish names are defined. It is also discussed the loan words which are come to the Turkic language from the Persian, Arabic and other languages and they are the external sources of to the Uzbek languages. The dish names are analyzed thematic groups in this article. As well as, the historical and modern positions of food names are compared.

Keywords: names of dishes; works by Alisher Navoi; Turkisms; Arabisms; Persisms.

Кириш

Алишер Навоий жаҳон адабиётининг энг йирик намояндаларидан биридир. Эски ўзбек тилининг бойлиги ва жозибаси, унга хос кенг имкониятларнинг, айниқса, Навоий ижоди мисолида яққол рўёбга чиқиши тилшуносларни адиб меросининг тил хусусиятларини тадқиқ этишга ундаб келмоқда. Тарихий-бадий манбалар лексикасини ўрганиш ёзма асарлар яратилган давр адабий тилига хос хусусиятлар, луғавий сатҳ тараққиёти, лексик birlikлар семантикасини ёритишда аҳамиятлидир.

Озиқ-овқатлар инсон турмушида энг муҳим ўрин тутди. Инсонларнинг жамиятдаги ўрни, турмуш даражаси, моддий-маънавий дунёсининг кўзгуси сифатида намоён бўладиган таом номлари тарихи ва манбаларини, уларнинг

этимологияси, семантик таркибини тадқиқ қилиш тилшуносликнинг кизиқарли ва долзарб масалалардандир. Навоий асарларидаги таом номларининг лексик-семантик, тарихий-этимологик, ясашиш ва қўлланиш хусусиятларини ўрганиш туркий тиллар, жумладан, ўзбек тили тарихини ёритишда муҳим аҳамиятга эга.

Тадқиқотнинг мақсади

Алишер Навоий асарларида учрайдиган озиқ-овқат, таом номларини ўрганиш, лисоний таҳлил қилиш, бу соҳадаги лексик бойликларни ўзбек тилининг тарихий ва ҳозирги замондаги ҳолатлари билан қиёслашдан иборатдир.

Тадқиқотнинг вазифалари

— Алишер Навоий асарларидаги озиқ-овқат – таом номларини тўплаш ва лисоний таҳлил қилиш;

— Навоий асарларидаги озиқ-овқат номларининг туркий қатламга тегишлиларини аниқлаш;

— ўзлашган қатламга мансуб таом номларини белгилаш;

— озиқ-овқат номларининг лексик-семантик хусусиятларини ўрганиш;

— таом номларини мавзувий гуруҳлар жиҳатидан тасниф қилиш; таом номларининг ҳозирги ўзбек тили ва бошқа туркий тиллардаги ана шундай номларга муносабатини аниқлаш ва қиёсий тадқиқ қилиш.

Натижа ва мулоҳазалар

Ҳар бир тил луғат таркибининг бойиб бориши тилнинг ички имкониятлари асосида ва бошқа тилдан сўз ўзлаштириш орқали амалга ошади. Мамлакатлар ва халқлар ўртасида ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-маданий муносабатларнинг яхшиланиши, айниқса, бир-бирига кўшни халқларнинг ўзаро алоқалари натижасида янги ғоялар, фикрлар, тушунчалар қабул қилинади. Бу тарихий жараён муайян халқ ёки тилнинг ўзига хос тараққий этишига, тил луғат таркибининг бойишига олиб келади (16, 89–90). Навоий асарлари тилида таом номлари лексикасининг тарихий шаклланиш ва ривожланиш жараёнини аниқлаш учун уларни тарихий-этимологик, генеалогик жиҳатдан ўрганиш, семантик хусусиятларини ёритиш зарур. Биз мақолада буюк ижодкор асарларидаги таом номларига оид лексик бирликларнинг қайси тил қатламига тегишли эканлигига, уларнинг лексик-семантик мазмунига диққатни қаратамиз.

Алишер Навоий асарларида ўз қатлам таом номлари устунлик қилади. Айни пайтда форс-тожик, араб ва бошқа тиллардан ўзлашган таом номлари

хам талайгина. Негаки, Навоий асарлари тилида маълум тарихий сабаблар натижасида араб ва форс-тожик тилларидан олинган сўз ва иборалар кўп. Шоир поэтик, насрий ва илмий асарлари тилидаги сўз бойлигининг тахминан 30–33 фоизини араб тилидан кирган сўзлар ташкил қилади, форс-тожик лексик унсурлари ҳам 18–20 фоизгача боради (1, 254).

Навоий асарлари тилида таомга доир биз аниқлаган 60 лексема қўлланган. Шундан 31тасини туркий сўзлар, 17тасини форсий, 9тасини арабий, 1тасини хитойча 2тасини ҳиндча ўзлашмалар ташкил этади. Демак, таомга оид аниқланган лексик бирликларнинг ярмидан кўпи туркий сўзлардан иборат.

Туркий таом номлар: *ўтмак / эмак, чалпак, кўмоч / кумоч, кулоч, умоч, қатлама, қуймоғ, тутмоч, ушоқ ош, буламоғ, бугро, жижиғлиғ ош, қовурмоч, толгон/толқон, сут, қаймоғ, жузғрот, қатиқ, сузма, панир, қурут, қимиз, ёғ, сариғ ёғ, қўй учаси, улоба, уркамоқ, сўкбоқ, эт, қази, шилон / шулон.*

Форсий таом номлари. Бу тилдан ўзлашган сўзлар миқдори туркий тилдаги таом номларидан сўнг иккинчи ўринни эгаллайди: *нон, ош, шир, кабоб, жигар кабоб, бат кабоб, шакар, набот, полудайи душоб, мавиз, мавизоб, бодом, шираи бодом, шўрва, ҳариса, пушти думба, газак.*

Арабча таом номлари: *ҳалим, қурс, қурси қийр, асал, шаҳд, фатир, ҳалво, таранжабин, сиканжабин.*

Хитойча таом номлари: *манти (хит. мян – хамир + ти – гўшт). Гўшт ва пиёз қиймасини хамирга тугиб, қасқонда пишириладиган овқат.*

Ҳиндча таом номлари: *амна / умна (манго), танбул* — Ҳиндистонда хушбўй япроқлардан тайёрланадиган махсус овқат (5, 479).

Алишер Навоий асарларидаги таом номларини дастлаб икки лексик-семантик гуруҳга бўлиш мумкин: I. Қандай маҳсулотлардан тайёрланишига кўра аталган таом номлари. II. Ширинлик ва қандолат маҳсулотлари номлари.

Биринчи гуруҳ таом номларини овқатлар қандай маҳсулотдан тайёрланиши ва бирор маросимга мўлжалланишига асосланиб яна беш гуруҳга ажратилди:

1. Ун ёки хамирдан тайёрланадиган таом номлари.
2. Дон маҳсулотларидан тайёрланадиган таом номлари.
3. Гўшт ва ёғдан тайёрланадиган таом номлари.
4. Сут маҳсулотлари ва улардан тайёрланадиган таом номлари.
5. Аралаш масалликлардан тайёрланадиган таом номлари.

1. Ун ёки хамирдан тайёрланадиган таом номлари. Ўзбек пазандачилигида қадимдан ун ва хамирдан тайёрланадиган таомлар

хилма-хилдир. Масалан, ундан тайёрланадиган таом номлари: *буламиқ/атала* каби; нон маҳсулотлари номлари: *ўтмак, нон, патир, чалпак, қатлама, кўмоч*; хамир ичига масаллик солиб тайёрланадиган таом номлари: *манти*; хамирли суюқ таом номлари: *тутмоч (угра ош), ушоқ ош (угра ош, туппа), умоч* каби. Қуйида уларнинг баъзилари тўғрисида фикр юритамиз.

Навоий асарларида *ун* лексемаси ҳозирги маънода қўлланган: “Эшак тегирмондин уйунга *ун* келтурур, ани пишурурга ёзидин ўтун келтурур” (6, 479).

Инсоннинг энг сеvimли емакларидан бири нондир. Навоий асарларида форс тилидан ўзлашган *нон* лексемаси кўп учрайди, аммо бу сўзга маънодош, ўша давр учун меъёр бўлган туркийча *ўтмак(экмак)* лексемаси кўпроқ ишлатилган: “*Ҳожар андин ёргучоқ била ун қилиб, ўтмак пишурди ва Иброҳим а. с.ни уйғоттиким, таом егай*” (7, 114).

Навоий буюк ва тенгсиз сўз санъаткоридирки, бу сўзларнинг маънодошларини алмаштириб қўллашида ҳам кўринади: “Отамиз бизни пир Абулқосим қошига элтти. Чун савмаъаға кириб, қошиға ўлтурдук... Пир отамға айттиким, бу Саидни эгнингга кўтар. Ул тоқда бир **нондур**. Тушурсун! Отамиз бизни кўтарди. Ул **нонни** тушурдук. Арфа **ўтмаги** эрди иссиқ. Шайх Абулқосим ул **ўтмакни** олди ва кўзин яшартти ва икки синдурди. Яримин бизга бердики, егил ва яримин ўзи еди. Отамиз дедики, бизга ҳеч бу **нондин** насиб бўлмасму? Шайх деди: Эй Абулхайр, ўттиз йилдурки, бу **нонни** бу тоқда қўюлубдур ва бизга ваъда қилибдурларки, бу **қурс** ул киши иликидаким исигай, оламе анинг била тирилгусидур ва бу ҳадиснинг хатми анга бўлғусидур” (8, 203).

Юқорида келтирилган парчада **нон** – **ўтмак** – **қурс** лексемалари ўзаро синоним сифатида фойдаланилган. **Қурс** кулча нон саналса-да, бу ўринда нон тарзида талқин қилинган. **Қурс** сўзи арабчадан ўзлашган. Ўзбек тилидаги *кулча* маъносини ифодалаган. Навоийнинг насрий асарларида, хусусан, “Насойим ул-муҳаббат”да ҳам бу сўз ишлатилган: “Ибриқ қошида икки улук **қурс** кўрдум” (8, 411).

Эски туркий тил, хусусан, “Девону луғатит турк” бугунги биз ишлатаётган *нон* сўзи ифодалаган маъно ўта фаол қўлланишда бўлган *этмак* лексемаси билан ифодаланган (14, 127, 205, 210). Бу сўз ҳозиргача маълум қадимги туркий тил матнларида учрамайди. XIII–XIV аср эски туркий тил обидаларида, масалан, “Таржумон”да у кенг қўлланган. *Этмак* шакли айни маъноси билан ҳозирги турк тилида ишлатилмоқда (12, 73).

Кўмоч. Навоий асарларида учрайдиган нон турларидан бири **кўмоч/кумоч** — қўрга кўмиб пишириладиган нон (3, 151). Аждодларимиз нонниг чўғ кулида пишириш технологиясини ҳам билишган. “Чўғ кулига кўмиб пиширилган нон” маъноси *кўмач* лексемаси билан ифодаланган. Ҳозирги ўзбек тилида “иссиқ кулга кўмиб пишириладиган нон” семемасида қўлланаётган биринчи сўзнинг “кўммоқ” маъносидаги “кўм” феълидан ясалганига шубҳа йўқ.

Лайли ва Мажнуннинг висолга етишган онлари даҳо шоир томонидан шунчалар таъсирли, гўзал, сеҳрли ва санъаткорона чизилганки, бунга қиёс топиш қийин. Шу манзара тасвирида шундай байт учрайди:

*Ой қурсида йўқ зиё нишони,
Ер анга қуёш кўмочдони.*

Мазмуни: “Ойнинг кулчасида нур ҳам кўринмас эди, ер уни қуёш *кўмачдонига* кўмган эди” (10, 260).

*Кўмочдон*нинг изоҳини луғатлардан топа олмадик. *Кўмачдон* — нон пиширадиган, яъни хамирни унга солиб, чўғ кулига кўмиладиган асбоб.

Фатир/патир. Бугунги кунда ўзбек дастурхонининг севимли нон турларидан бири *фатир* ҳисобланади. Араб тилидан ўзлашган бу лексема ўзбек тилига фонетик жиҳатдан мослашиб ҳозирда *патир* деб юритилади. Бу сўз ҳам буюк шоир луғат бойлигидан ўрин олган:

*Ул ўт ичида қуёш фатири,
Ойни не дейинки, курс қийри* (10, 120).

Изоҳи: У ўт ичида қуёш бир **патир**дек, ойни айтиб ҳам ўтирмайман, чунки у **куйган кулча**дек бўлиб қоларди.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида (ЎТИЛда) бу нон тури шундай изоҳланган: ПАТИР (а. — оширилмаган, кўптирилмаган (нон)). Кўпинча ёғ аралаштирилган, оширилмаган хамирдан чекичлаб тайёрладиган юпқарок нон. *Шўрвага патир тўграмоқ* (21, 238).

Қатлама. “Ёғли хамирдан қатламлаб ёғ суриб, юпқа ёйиб ёғда пиширилган нон, яъни қатлама” маъноси Алишер Навоий асарларида *қатлама* сўзи билан ифода этилган: “Ва яна баъзи емаклардин қаймоғ ва **қатлама** ва буламоғ ва қурут ва улоба ва мантува қуймоғ ва уркамоқни ҳам туркча айтурлар” (7, 17).

Чалпак. Бунга “Вақфия”дан мисол келтиришимиз мумкин: “...барот бўлғай, **чалпак** ўттуз ботмон, ҳалво йигирми ботмон, қишнинг тўрт ойидаким,

кавс ва жади ва далв ва ҳут бўлғай, ҳар куни ўтмак юз ададким, йигирми ботмон уч тангалик эт билан мурағтаб қилғайлар” (11, 272).

Профессор Ш. Раҳматуллаев бу таом турига шундай изоҳ берган: Чалпак хамирни юпқа ёйиб, ёғда пишириладиган овқат... Бу от ўзбек тилида чāl — феълининг “парчала” — маъносидан кучайтириш (такрор) маъносини ифодаловчи — пā кўшимчаси билан ҳосил қилинган шаклига –к кўшимчасини кўшиб ясалган: (чāl + пā = чālпā)+ к = чālпāk (19, 409).

Тадқиқотчи С. Артикбаев Тошкент воҳаси ҳудудидаги ўзбек ва қозок халқларининг анъанавий таомлари тўғрисида шундай маълумот беради: “...қозонда ноннинг бир тури сифатида тайёрланадиган *чавати, қотирма, чалпак, чўзма, қатлама* XX асрда ҳам аҳоли ўртасида кенг тарқалган. Уларни тайёрлаш усуллари ўзбек, қозок, тожик ва бошқа этник жамоаларда жуда ўхшаш. Ўзбеклардаги *чалпак* қозокларда *шалпак* деб юритилади” (11, 65).

Кулоч. “Навоий асарлари луғати”да бу сўзнинг икки маъноси изоҳланган: а) ҳолвага ўхшаш бир тур ширинлик; б) шарбат, бодом ва қаймоқ солиб қилинган кулча.

Бизга бу ўринда иккинчи изоҳ зарур. Демак, кулчанинг бошқа масаллиқлар кўшиб тайёрланган тури *кулоч* дейилади. Луғатда “Садди Искандарий” достонидан мисол келтирилган:

Мабоҳот қилмас емакдин кулоч,

Ғамин бўлмас ар топса ёвғон умоч (18, 321).

“Маҳбуб ул-қулуб”нинг “Қаноат зикрида” бобида айтилган пурҳикмат фикрларда ҳам бирикма шаклида бу сўз иштирок этганлигини кўрамыз: “Ва фориғи фақрандишнинг ёвғон умочи олғувчи ғанийнинг **наботий кулочидин** марғуброк” (6, 53).

Яъни, фақирнинг тинчгина ейдиган ёвғон умочи олғувчи бойнинг новвотдай ширин кулочидан яхшироқдир. Бизнингча, *кулча* ва *кулоч* сўзлари бир ўзакдан ясалган.

Тутмоч. Бу таом тури ҳақида “Муҳокамат ул-луғатайн”да мисол келтирилган: “Яна **тутмоч** ва *умоч* ва *кумоч* ва *толгонни* ҳам туркча айтурлар” (7, 17). “Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати” (АНАТИЛ)да унга шундай изоҳ берилган: *тутмоч* — пишган таом тури; хамир оши, угра ош (4, 162). Бундан *угра ош* ва *тутмоч* битта таом номи эканлиги англашилади. *Угра* ҳозирги ўзбек тилида “юпқа ёйилиб, узун ва майда қилиб кесилган хамирдан тайёрланган суюқ ош”ни билдиради. *Угра* сўзи Навоий асарлари тилида учрамайди.

Умоч. Навоий давридаги яна бир таом **умоч** бўлиб, у ҳақда ҳам маълумот берилган: “Яна *тутмоч* ва **умоч** ва *кумоч* ва *толгонни* ҳам туркча айтурлар”. “Навоий асарлари луғати”даги изоҳга кўра: умоч (ёвғон умоч) — умоч (қаттиқ хамирни сувга увалаб пиширилган суёқ овқат (18, 625).

2. Дон маҳсулотларидан тайёрланадиган таом номлари. Бу таомларга гуруч, буғдой, жўхори, тарик ва мошдан тайёрланадиган таом номларини киритиш мумкин. Буғдойдан тайёрланадиган таом номларига: *буғро*, *қовурмоч*; тарикдан тайёрланадиган таом номи: *сўкбоч* кабиларни кўрсатиш мумкин.

Буғро. Бу таом тури ҳозирги ўзбек тилида ишлатилмайди. У тарихий сўзга айланган. Навоий даврида кўпчилик учун тайёрланадиган таом бўлганлиги англашилади: “Бир кун Гавҳаршодбегим мадрасаси толиби илмлари бир боғда суҳбат тутуб, **буғро** пиширадур эрмишлар”. НАЛда келтирилган бу мисолда манба “Хамсат ул-мутаҳаййирин” эканлиги кўрсатилган ва “буғро — буғдойни оқлаб пишириладиган ва катта йиғинда тортиладиган овқат” деб изоҳланган (18, 139). Тахмин қиламизки, бу таом тури ҳозирги **ёрма** бўлса керак. Ёрма оқлаб туйилган буғдой ёрмасидан тайёрланиб, катта йиғинларда, масалан, аскар йигит армиядан қайтганда, элга тортиладиган таом ҳисобланади. Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари аҳолиси орасида ҳозирда ҳам истеъмол қилиб келинади.

Сўкбоч. Бу таом номини “Насойим ул-муҳаббат” асарида учратамиз: “Саҳл Абдуллоҳ ... деди: Сенга меҳмонман. Ул деди: Не буюурсен? Деди: *сўкбоч* пишур. Саҳл *сўкбоч* пишуртти ва қозон била онинг оллиға қўйдилар” (8, 167).

АНАТИЛда **сўкбоч** — **сўкош** деб изоҳланган (4, 140). Сўкбочнинг ўзаги **сўк** экани маълум. ЎТИЛда **сўк** сўзига шундай изоҳ берилган: **Сўк** тозаланган, оқланган тарик. *Хом сўк*. *Қовурилган сўк*. *Сўк оши*. (21: 612). Демак, **сўкбоч** сўкдан, яъни тозаланган, оқланган тарикдан тайёрланган **сўк ошидир**.

Қовурмоч — қовурмоч, қовурилган дон, буғдой. “Лайли ва Мажнун” достонида бу сўзга мурожаат қилинган:

*Хирман ерида тазарву дуррож,
Ер тобасидин териб қовурмоч*(10, 189).

“Девону луғатит турк” (ДЛТ)да ҳам “қўғирмоч (қоврилган буғдой)” лесемаси қайд этилган (12, 78). *Қўғирмоч* “қозонда қовурилган буғдой” ҳозирги ўзбек тилида қўлланишда давом этмоқда (20, 646).

Муҳаммад Юсуф Чингийнинг “Келурнома” асарида ҳам “қавурмач” — “қоврулган буғдой” деб изоҳланган (17, 71).

Талқон. “Қовурилган дон, қуритилган нон ва шу кабилардан туйиб тайёрланган емиш” семемасининг ҳозирги ўзбек тилида толқон сўзи билан ифодаланиши маълум. Бу сўз “янчмоқ” маъносини англатган *тал-* феълига – *қа* ва –*н* аффиксларини қўшишдан ҳосил бўлган. Бу сўз ДЛТда қайд қилинган (12, 74). Навоий ижодида ҳам “талқон” сўзига мурожаат қилинган:

*Тутуб жулду олур ёрмоққа қалқон,
Дегилким айламишлар тоғни толқон* (“Фарход ва Ширин”).

“Муҳокамат ул-луғатайн”да бу сўз қайд этилган: “Яна тутмоч ва умоч ва кумоч ва **толғонни** ҳам туркча айтурлар” (7, 17). Кўринадики, лексеманинг *толгон/толқон* шакллари мавжуд.

Улоба ва **уркамоч**. “Муҳокамат ул-луғатайн”да бизга нотаниш яна иккита таом номи учрайди: “Ва яна баъзи емаклардин қаймоғ ва қатлама ва буламоғ ва қурут ва **улоба** ва манту ва қуймоғ ва **уркамочни** ҳам туркча айтурлар” (7, 17). АНАТИЛда **улоба** — “овқатларнинг бир тури” (4, 285), **уркамоч** — “таом турларидан бири” (4, 297) деб изоҳланса, НАЛда **улоба** — “иссиқ овқатнинг бир тури” деб кўрсатилган (18, 624). Бу изоҳлар бизга ушбу таом номлари ҳақида етарли ва аниқ маълумот бермайди, уларнинг қандай овқат эканлиги, қайси маҳсулотлардан тайёрланишини англатмайди.

3. Гўшт ва ёғдан тайёрланадиган таом номлари. Навоий асарларида гўшт ва ёғдан тайёрланадиган таом номлари ҳам анчагинадир. Масалан, *эт, қўй учаси (биқин гўшти), кабоб, бат (ўрдак) кабоб, жигар кабоб, қазу, шўрва/шўрба, думба/дунба, жижиғ* каби.

Навоий асарлари тилида “гўшт” маъносини ифодалаш вазифаси асл туркийча “эт” зиммасида бўлган. Ушбу сўздан “этли қўй” каби сўз бирикмалари ҳосил қилинган. Гўштнинг навларини ифодалаш учун *қоқ (қоқ эт)* лексемалари қўлланган. Буни биз айни шаклда “Девони луғатит турк”да ҳам учратишимиз мумкин (14, 300). Ҳозирги ўзбек тилида *қоқ* лексемаси “жуда ҳам қуруқ, қуриган, сира ҳам нами қолмаган; жуда ҳам ориқ, чандир” маъноларини билдиради (20, 607).

Мисолларга мурожаат қилайлик:

“Қўпти ва сафол қозонни ости ва бир пора **қоқ эти** бор эрди, қозонға солди... Деди: эттин егил! Мен дедим: мени маъзур тут **эт** емакдин!” (8, 163).

Кабоб. Форсча ўзлашма бўлган бу таом номи Навоий асарлари луғат бойлигида кўп учрайди. Ўша даврда ҳам ҳозирги кабоб, яъни гўштни металл ёки ёғоч сихга териб, чўғда тоблаб пишириладиган таом маъносини англатган.

“Тарихи мулки ажам”дан мисол: “Бир кун бир йўлда тушуб, кабоб буюрди” (7, 239).

Кабобнинг турларини билдирувчи birlikларни ҳам учратамиз: *қўзи кабоб, жигар кабоб, бат (ўрдак) кабоб, гўр этидин кабоб*.

4. Сут маҳсулотлари ва улардан тайёрланадиган таом номлари. Мазкур мавзувий гуруҳга доир лексемалар туркий халқларининг асосий турмуш тарзи — чорвачилик билан бевосита боғлангандир. Ҳозирги туркий тиллар, хусусан, ўзбек тилида сут маҳсулотлари турларини ифодалаётган сўзларнинг аксарияти Маҳмуд Кошғарий луғатида ўз аксини топган. Чунончи, “қора молнинг елинидан соғиб олинган оқ суюқлик” семемасининг *сўт* лексемаси билан ифодаланганини кузатамиз (12, 69). Навоий асарларида сут маҳсулотлари номларига қуйидагиларни киритиш мумкин: *сут, қатиқ, жуғрот, панир, қаймағ, сариг ёғ, қимиз, сузма, қурут*.

Жуғрот. Бу сўз луғатда “қатиқ” деб изоҳланган. Бунинг мисоли “Садди Искандарий”дан:

*Ани уйга келтурди тортиб инон,
Равон моҳазар чекти жуғроту нон (9, 22).*

Мазмуни: уни уйга келтириб, олдига тайёр турган **жуғрот** ва **нони** қўйди. **Жуғрот** ҳозирда бошқа туркий тилларда, хусусан, татар тилида ишлатиладиган *югурт* сўзининг Навоий давридаги шакли. Бу сўз рус тилига ўзлашиб, *ёгурт* шаклида фаол қўлланилмоқда.

Сутдан томизғи солиб ивитиб тайёрланадиган маҳсулот, яъни қатиқ эски туркий тилда “аралаштирмақ, қормоқ” маъносини ифодалаган *ёгур* — ҳаракат феълидан ясалган деривати билан англашилган. Бу сўзнинг *ёгурт* фонетик шакли “Қутадғу билиг”да ишлатилган: *қымыз, сут йа йун йағ йа йоғрут қурут* — қимиз, сут ёки жун, ёғ ёки қатиқ, қурут (12, 79). Алишер Навоий асарларида бу сўз (жуғрот) бир оз фонетик ўзгачаликда экан.

Панир. Бугунги кунда тилимизда архаизмга айланган бу сўзнинг маъноси — пишлоқ. Уни “Ҳолати Маҳлавон Муҳаммад” асарида учратдик: “Дедимки айюҳаш-шайх, миқдоре тоза **панир** бор, майл борму, келтурсак? Ва анинг тоза **панир**ға майли кўп бўлур эрди. Деди: келтур!” (8, 170).

Ушбу таом номи Бухоро шеvasида учраши шева луғатида қайд қилинган: “Панир — қўй сутидан тайёрланган пишлоқ” (22, 208).

Булардан ташқари *қаймоғ, қимиз, сузма, қурут, сариг ёғ* каби сут маҳсулотлари номи ҳозирги ўзбек тилида бир хил маънога эга.

5. Аралаш масалликлардан тайёрланадиган таом номлари: *буламоғ, шўрба, шилон/шулон, ҳалим, ҳариса*.

Буламоғ. “Муҳокамат ул-луғатайн”да бу туркийча сўз қайд этилган: “Ва яна баъзи емаклардин қаймоғ ва қатлама ва **буламоғ** ва қурут ва улоба ва манту ва қуймоғ ва уркамочни ҳам туркча айтурлар (7, 17).

Йирик тилшунос Ш. Раҳматуллаев бу сўзни яхши изоҳлаган ва этимологиясини берган: Буламиқ сут билан ундан тайёрланадиган аталасимон овқат. Бу от қадимги туркий тилдаги **қориштир** — маъносини англатувчи **була**– феълидан –**миқ** кўшимчаси билан ясалган (19, 67).

Таомшунос олим К. Маҳмудов ўзбек пазандачилигида аталанинг ўндан ортиқ тури аниқлангани, лекин буларнинг аксарияти камбағалнинг овқати сифатида унутилиб кетганини қайд этади (15, 226).

Шилон / шулон. Туркий номдаги бу овқат турининг луғатларда икки маъноси изоҳланган: **шилон/шулон** —шулон, умумий овқат; подшоҳ зиёфати (18, 696). Бу сўз улуғ шоир асарларида бир неча бор учрайди:

*Агар бўлса **шилон** ишида футур,
Чу арз айладук биздин эрмас қусур.*

Бу сўз “Муншоот”да Бадиуззамонга насиҳат билан битилган хатда қайд этилган: “Яна улким, додхоҳ иши тугагондин сўнграким, **шилон** ҳам бартараф бўлур, ичкихона таъйин қилиб, анда ўлтуруб, аркони давлатни тилаб, мулк ва мол иши айтилса, ўзлук била барчаға етилса” (6, 192).

Шулон — эски туркий ёдгорликларда учраши олимлар томонидан қайд этилган. Ўзбек адабий тили тарихига оид бир қўлланмада “**шилон – кўпчиликка тайёрланадиган овқат**” эканлиги қайд этилган ва бу “Шажарайи турк”дан келтирилган мисол билан тасдиқланган: “*подшоҳлик **шилонда** сўймоқ учун минг олти юз дўнон қўй, мунга қозон қўй от қўйдилар*” (2, 15).

Муҳаммад Юсуф Чингийнинг “Келурнома” асарида ҳам бу сўз қайд қилинган: “**Шулан**— камбағал одамлар, оддий халқ учун тайёрланадиган таом”(17, 71). Ҳозирда ҳам баъзан қўлланади: “Бир туюр гўшту макарон солиниб қайнатилган **шулон шўрва** жонингизга тегиб кетади. Ш. Холмирзаев, Сайланма” (21, 222).

Ширинлик ва қандолат маҳсулотлари номлари: *полудайи душоб, мавиз, мавизоб, ҳалво, қулоч, шакар, асал, шаҳд, бол, набот, бодом шираси, қиёми (ширайи бодом), газак, умна ва танбул.*

Хулоса

Юқорида билдирилган фикрлар, таҳлил ва далилларга таяниб хулоса қилиш мумкинки, Навоий асарларидаги таомга оид бирликлар тилимизнинг ошхона тарихидан сўзлаши билан қизиқарлидир. Озиқ-овқат номлари бугун

турлича аталмоқда. Алишер Навоий асарларида учрайдиган бир қатор таом номлари бугунги кунда тилимизда уйғун шакл ва маъноларда қўлланилмоқда. Кўпгина историзм ва архаизмлар эса бизга XV асрдаги озиқ-овқат лексикаси ҳақида маълумот беради.

Таом номларининг асосий қисмини умумтуркий, ўзбек тилидаги озиқ-овқат номлари ташкил қилади. Форс тилидан ўзлашган озиқ-овқат номлари ҳам Навоий асарларида фаол қўлланган. Улар миқдор жиҳатдан туркий таом номларидан кейинги ўринни эгаллайди. Араб тилидан ўзлашган таом номлари асосан ширинлик ва қандолат маҳсулотларини ифодалаган.

Таом номларининг лексик-семантик гуруҳлари ўз ичида хилма-хил турларга ва кичик гуруҳларга бўлиниб, улар ўша таом номларининг қандай маҳсулотдан тайёрланиши ва бирор маросимга мўлжалланиши каби хусусиятларидан келиб чиққан.

Алишер Навоий асарларидаги озиқ-овқат, таом номлари билан ҳозирги ўзбек адабий тили, баъзи ўзбек шеваларида қўлланадиган шундай номларни қиёслар эканмиз, кўп йиллик давр ичида таом номлари такомиллашиб борганини кузатамиз. Бу такомиллашиш тилнинг ички тараққиёт қонуниятлари асосида ва бошқа тилларнинг таъсири остида рўёбга чиққан. Айниқса, араб, форс-тожик ва бошқа тиллардан ўзлашган таом номлари ўзига хослиги билан ажралиб туради.

Таом номлари морфологик (чалпак, кўмоч, кулоч, қатлама, тутмоч) синтактик (жигар кабоб, жижиглиғ ош) ва семантик (ош) усулда ясалган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абдуллаев Ф. XV аср ўзбек адабий тилининг диалектал асослари масаласи // Навоий ва адабий таъсир масалалари. — Т.: 1968. — 257 б.
2. Алиев А. Ўзбек адабий тили тарихидан материаллар. — Т.: ТошДУ, 1983. — 64 б.
3. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. II жилд. — Т.: Фан, 1983. — 642 б.
4. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. III жилд. — Т.: Фан, 1984. — 624 б.
5. Алишер Навоий. 20 жилдлик. 4-жилд. — Т.: Фан, 1989. — 526 б.
6. Алишер Навоий. 20 жилдлик. 9-жилд. — Т.: Фан, 1992. — 377 б.
7. Алишер Навоий. 20 жилдлик. 10-жилд. — Т.: Фан, 1992. — 491 б.
8. Алишер Навоий. 20 жилдлик. 14-жилд. — Т.: Фан, 1998. — 315 б.
9. Алишер Навоий. 20 жилдлик. 16-жилд. — Т.: Фан, 2000. — 329 б.
10. Алишер Навоий. 20 жилдлик. 17-жилд. — Т.: Фан, 2000. — 534 б.
11. Артикбаев С. Значение традиционной пищи в развитии узбеко-казахских этнокультурных взаимоотношений в Ташкентском оазисе. www.ziyouz.com кутубхонаси, 65-бет.
12. Дадабоев Х. “Девону луғатит турк”нинг тил хусусиятлари. — Т., 2017. — 132 б.

13. Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк. Уч томлик. II том. — Т.: ЎзФА нашриёти, 1960. — 427 б.
14. Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк. Уч томлик. III том. — Т.: Ўз ФА нашриёти, 1963. — 463 б.
15. Маҳмудов К. Ўзбек тансиқ таомлари. — Т.: Мехнат, 1989. 342 б.
16. Мухторов А., Санақулов У. Ўзбек адабий тили тарихи. — Т., 1995. — 160 б.
17. Муҳаммад Юсуф Чингий. Келурнома. — Т.: Фан, 1982. — 174 б.
18. Навоий асарлари луғати. — Т.: Ғ.Ғулом номидаги “Адабиёт ва санъат нашриёти”, 1972. — 784 б.
19. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати. I жилд. — Т.: Университет, 2000. — 599 б.
20. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. II жилд. — Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. — 671 б.
21. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. III жилд. — Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2007. — 687 б.
22. Ўзбек халқ шевалари луғати /Масул муҳаррир: Ш. Шоабдурахмонов. —Т.: Фан, 1971. — 409 б.

REFERENCES

1. Abdullaev F. *XV asr uzbek adabii tilining dialektal asoslari masalasi, Navoi va adabii ta'sir masalalari* (The issue of dialectal basis of Uzbek literary language in 15th century, Navoi and issues of literary influence), Tashkent, 1968, 257 p.
2. Aliev A. *Uzbek adabii tili tarixidan materiallar*(Materials from the history of the Uzbek literary language), Tashkent: Tashkent State University, 1983, 64 p.
3. *Alisher Navoi asarlari tilining izohli lugati* (Explanatory Dictionary of the language of Alisher Navoi's works), Vol. 2., Tashkent: Science, 1983, 642 p.
4. *Alisher Navoi asarlari tilining izohli lugati*(Explanatory Dictionary of the language of Alisher Navoi's works), Vol.3. Tashkent: Science, 1984, 624 p.
5. Alisher Navoi. *Mukammal asarlar tuplami*(A perfect collection of works), 20 Volumes., 4-volume., Tashkent: Science, 1989, 526 p.
6. Alisher Navoi. *Mukammal asarlar tuplami*. (A perfect collection of works), 20 Volumes., 9-volume., Tashkent: Science, 1992, 377 p.
7. Alisher Navoi. *Mukammal asarlar tuplami*(A perfect collection of works), 20 Volumes., 10-volume., Tashkent: Science, 1992, 491 p.
8. Alisher Navoi. *Mukammal asarlar tuplami* (A perfect collection of works) 20 Volumes., 14-volume., Tashkent: Science, 1998, 315 p.
9. Alisher Navoi. *Mukammal asarlar tuplami*(A perfect collection of works), 20 Volumes., 16-volume., Tashkent: Science, 2000, 329 p.
10. Alisher Navoi. *Mukammal asarlar tuplami* (A perfect collection of works), 20 Volumes., 17-volume., Tashkent: Science, 2000, 534 p.
11. Artikbaev S. *Znachenie traditsionnoi pishchi v razvitii uzbeko-kazakhskikh etnokul'turnykh vzaimootnoshenii v Tashkentskom oazise* (The importance of traditional food in the development of Uzbek-Kazakh ethno-cultural relations in the Tashkent oasis. www.ziyouz.com 65 p.
12. Dadaboev H., *Devonu lugatit turkning til khususiyatlari* (Language features of Devonu dictionary Turkish), Tashkent State Institute of Oriental Studies, 2017. 132 p.
13. Mahmud Koshgarii. *Devonu lugotit turk* (Devonu dictionary Turkish), Vol. 3., 2-volume, Tashkent: publishing house of the Academy of Sciences of Uzbekistan, 1960, 427 p.
14. Mahmud Koshgarii. *Devonu lugotit turk* (Devonu dictionary Turkish), Vol.3. Tashkent: publishing house of the Academy of Sciences of Uzbekistan, 1963, 463 p.

15. Mahmudov Koshgarii. *Uzbek tansiq taomlari* (Uzbek delicacies), Tashkent: Labor 1989, 342 p.
16. Mukhtorov A., Sanaqulov U. *Uzbek adabii tili tarikhi* (History of Uzbek literary language), Tashkent: Teacher, 1995, 160 p.
17. Muhammad Yusuf Chingii. *Kelurnoma* (Kelurname), Tashkent: Science, 1982, 174 p.
18. *Navoi asarlari lugati* (Dictionary of works of Navoi), Tashkent: publishing house of literature and art named after Gulom Gulom, 1972, 784 p.
19. Rapmatullaev Sh. *Uzbek tilining etimologik lugati* (Etymological Dictionary of the Uzbek language), Vol.1., Tashkent: University, 2000, 599 p.
20. *Uzbek tilining izohli lugati* (Explanatory Dictionary of the Uzbek language) Vol. 2., Tashkent: State Scientific Publishing House, National Encyclopedia of Uzbekistan, 2006, 671 p.
21. *Uzbek tilining izohli lugati* (Explanatory Dictionary of the Uzbek language), Vol. 3. Toshken: National Encyclopedia of Uzbekistan State Scientific Publishing House 2007, 687 p.
22. *Uzbek khalq shevalari lugati* (Dictionary of Uzbek folk dialects), responsible editor: Sh. Shoabdurahmonov, Tashkent: Science, 1971, 409 p.